

# **ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 6**

## **Бухоро шаҳри**

DIGITAL SECURITY SYSTEMS МЧЖ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **А.Ш.Саидов** тимсолида, бир томондан ва **Бухоро МТИ**, (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми, асосида иш юритувчи ректор Н.Р.Баракаев тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳакида туздилар.

**«19» «марта» 2022 йил**

## **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га ўкув кўлланма ётотхона биноси ички ва ташки кисмларида видеокузатув камераларини урнатиш ва ишга тушириш хизматини курсатиш учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йилнинг "19" мартадан 2022 йилнинг "30" апрелигача амалга оширилади.
- 1.4. Хизматлар кўрсатиш ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

## **2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:**

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатта эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.3. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
  - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
  - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
  - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

### **2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташкири ажратилган маблаглар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### **2.3. «Бажарувчи» қуидаги ҳуқуқларга эга:**

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан 30 фойз ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва хизматлар узил-кесил бажарилиб, тегишли мутахассислар томонидан ўрганилиб, қабул қилингандан сўнг тўлиқ ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

### **2.4. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:**

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кўра, 15 фойз микдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

## **3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 131000000 сум Бир юз ўттис бир миллион сўм ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг турлари ва баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида 2022 йилнинг декабрь ойида якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилингандан барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишини рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ҳодими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгаришишга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиши кечикирилган ёки тўлик кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенининг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус ҳисобракамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йилнинг «19» мартадан 2022 йилнинг «31» Декабригача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўтасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 8.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджетининг Газна ижроси тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотарининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатта олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур дараҷада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Бажарувчи»

Наименование: **DIGITAL SECURITY SYSTEMS МЧЖ**  
 Адрес: Бухоро вилоят когон шаҳар ватанпарвар 24 уй  
 Телефон: 97 303 55 55  
 Факс:  
 ИНН: 302367808  
 ОКОНХ: 71211  
 Р/С 20208000504994119001  
 Банк: Миллий Банк Когон филиали  
 МФО: 00899

Рахбар: Сайдов А.Ш.Сайдов



### «Буюртмачи»

**Бухоро МТИ**  
 Манзил: Бухоро ш. К.Муртазоев 15-үй

Тел./факс 223-61-97, 223-84-79  
 x/в 400110860064017094100079004  
 бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201504781  
 ОКОНХ 92110  
 Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти  
 бўйича Газначилик бошқармаси  
 Газна x/в: 23402000300100001010  
 Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий  
 банкнинг ХККМ  
 МФО: 00014  
 Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919  
 Ректор: Баракаев Н.Р.Баракаев



Хуқуқшунос:

К. Эшев